

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 6 июль, чоршанба

№ 54 (11.753)

Эркин нархда сотилади

Фалла - 2005

ШХТнинг НАВБАТДАГИ САММИТИ

ОСОНА, 5 июль. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг маъмур учрашувида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, ҳусусан, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда ШХТ фаолиятининг асосий йўналишлари — хавфсизлик муаммолари ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Президентлар ШХТнинг Минтақавий ҳамкорликини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ишбилармонлар форумини ташкил этишга, Афғонистондаги тикланиш ишларидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

Саммит якунлари бўйича ШХТ Давлат раҳбарларининг декларацияси имзоланди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатларнинг террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги концепция қабул қилинди, ШХТга аъзо мамлакатларнинг ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасидаги доимий вакиллари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Саммитда Эрон, Покистон ва Ҳиндистонга ШХТ ҳузурда қузатувчи мақоми бериш тўғрисидаги қарорларга имзо чекилди. Бунгача фақат ШХТнинг 7 миллиарди соф фойдадир.

Вилоятимиз деҳқонлари қўлга киритган улкан меҳнат ғалабасида кўп қадим тўман ва ҳўжаликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Жум-

ладан, Тошкент, Чиноз, Зангиота, Бекобод, Қибрай, Куйичирчик, Бўка туманлари вилоятда биринчи бўлиб шартнома режасини урдаладилар. Бу туманларда ҳосилдорлик ўртача 45 центнердан юқори бўлди. Қувонарли жиҳати, юқоридан номлари қайд этилган туманларда

уруғлик тайёрлаш режаси ҳам барвақт адо этилди. Фаллачиликда неча йиллардан бери карвонбошликни қўлдан бермай келган, бу борада етук тажрибага эга бўлган ширкат ҳўжаликлари ҳам вилоятимизнинг умумий фалла хирмонига баракали улуш кўшдилар. Шу ўринда,

Куйичирчик туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги», Қибрай туманидаги «Маданият», Янгийўл туманидаги «Нибёбош», Юқоричирчик туманидаги «Гулистон», Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон», Зангиота туманидаги Акмал Икромов номи ва бошқа ўнлаб ширкат ҳўжаликлари номи-

ни алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ва шу каби ҳўжаликлардаги аксарият пудратчилар ҳар гектар ердан 65-70 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Кези келганда таъкидлаш жоиз, эришилган муваффақиятнинг бош омилли муҳнатга бўлган янги

технологиялар асосида қоят умулли ва қудратли машина-ускуналари билан жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқди. Бу жуда катта маблағ ва меҳнат талаб қиларди, албатта. Лекин биз шундай улкан сарф-харожатларни додид ўз зиммасига олдиқ ва қисқа муддатларда баъзи вайсақиларнинг «башорат»ларини чиппаққа чиқариб, фақат ички эҳтиёжлар учунгина эмас, балки жаҳон бозорига ҳам қора ва рангли металлургия санаети махсуслотларини етказиб бера бошладик. Санает ишлаб чиқаришининг бу етакчи соҳаси бўйича вилоятимиз ўз ойнавий мавқеини сақлаб қолиш билан бирга уни янада мустаҳкамламоқда.

Июль ойининг иккинчи хафтаида бу ерда шахар маданият ва спорт ишлари бўлими, марказий кутубхона билан ҳамкорликда ўтказилган наватбаддаги тадбир «Нептун» байрами деб номланди.

Унда мактаблар, болалар ва ўсмирлар ижодий маркази, 8ш китобсеварлар ва спортчилар байрам дастурига қиритилган танловлар, викториналар, сахналаштирилган бадий чикишларда фаол иштирок этдилар. Айниқса, богдга қўшилш ҳавзасида спортнинг шумиш ҳавзасида ўтказилган мусобақаларда кўплаб ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ёзи таътил пайти Ангренадаги болалар истироҳат бои бу йил ҳам ўқувчиларнинг дам олиш масканига айланди.

Ушбу йилда «Пахта-банк»нинг ижтимоий ҳаракати Юқоричирчик тумани кенгаши қатор тадбирларини амалга оширмоқда.

Жумладан, яқинда туман «Маҳалла» хайри жамғармаси билан ҳамкорликда Бордонқўл кишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Жунсиз кишлоғида ҳашар йўли билан спорт майдончаси ташкил этилди. Шу муносабат билан ўйингоҳда 17 ёшдан 28 ёшгача бўлган маҳалла ёшлари ўртасида «Қамолот кубоги» учун футбол мусобақаси ўтказилди. Қизгин беллашувлар натижасида «Жунсиз» жамоаси биринчи, «Сурум» жамоаси иккинчи, шунингдек, «Болта» жамоаси фаҳрли учинчи ўринларни қўлга киритди. Ғолиб жамоаларга ташкилотчилар томонидан фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

«ПАХТА-БАНК» — ИЛҒОР ҲАМКОР

Акциядорлик тижорат «Пахта-банк»нинг юртимизда пластик қарточкалар тизимини ривожлантириш борасида олиб бораётган кенг қўламли ишлари ҳорижда ҳам ўз эътирофини топди. Мамлакатимизнинг ушбу нуфузли банки Австриядаги «GBC Smartcard systems» компаниясининг «Энг илғор ҳамкор» сertiфикатига эга бўлди. Маъмур компания пластик қарточка технологияси билан ишлайдиган жаҳондаги энг йирик муассасалардан ҳисобланади.

Айтиш жоизки, пластик қарточка нақд пулсиз савдо ва хизмат кўрсатиш айланмасининг кўпайиши, нақд пул инфляциясининг қисқариши ва замонавий ҳисобкитоб тизимининг тақомиллашувида алоҳида ўрин тутади. У ўзининг қўлай ва даромадлиги, хавфсиз ва нақд пулга нисбатан қатор афзалликларга эга экани билан ажралиб туради. Шу боис пластик қарточка юридик ва жисмоний шахсларнинг ишончли молиявий востисига айлиниб бораётир. Айни пайтда «Пахта-банк»нинг муомаладаги пластик қарточкалари сони

260 мингдан ошиб, улар востисаида ойлик иш ҳақини олаётган корхоналар сони қарийб уч мингга етди. Банк мутаҳассислари томонидан ўрнатилган 1300 савдо терминали ва 20 банкомат мижозлар хизматида.

«Пахта-банк» матбуот хизматидан ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, ҳозир аҳолининг банк пластик қарточкаларидаги маблағлари салкам уч миллиард сўмга етган. Жорий йил бошидан бун бундай қарточкалар орқали салкам тўрт миллиард сўмлик тўловлар ўтказилган.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎЗА мухбири.

Хар қандай муваффақият неча-неча фидокор, заҳматкаш, шижоатли инсонларнинг улкан меҳнати, бетиним изланиши, бой тажриба ва матонати ортидан келади. Бу мавсум ҳам шундай бўлди. Вилоятимиз бўйича жами 129500 гектар, шу жумладан, 115500 гектар суви майдонда мўл ва сифатли, эртаки дон етиштирилди. Эътиборли жиҳати, ғаллакорликнинг асл укувини пухта эгаллаган вилоятимиз деҳқонлари юқори ҳосилдорликка эришдилар. Бу йилги эришилган меҳнат зафари ўтган мавсумдагидан анча салмоқли бўлди. Хусусан, ўтган 2004 йилда 135000 гектар майдонда ғалла етиштирилиб, 256200 тонна дон олинган, ҳосилдорлик 38,5 центнерни ташкил этган эди. Бу сафар ўтган йилгига нисбатан қарийб 5,5 минг гектар кам майдонда деҳқончилик қилинган бўлсада, ҳосил салмоғи ва унумининг кескин кўтарилиши натижасида ўтган йилгидан анча кўп микдорда дон етиштирилди. Ҳосилдорлик ўртача 41 центнердан ошди. Даромад ҳам шунга яраша бўлиши шаксиз. Бу йил вилоятимиз тармоқдан 44 миллиард атрофида даромад олиши кўзланган. Бунинг 7 миллиарди соф фойдадир.

Вилоятимиз деҳқонлари қўлга киритган улкан меҳнат ғалабасида кўп қадим тўман ва ҳўжаликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Жум-



Вилоятимиз ғаллакорлари давлатга 268700 тоннадан ортиқ сара дон етказиб бериб, шартнома режасини 25 иш кунда бажардилар

ладан, Тошкент, Чиноз, Зангиота, Бекобод, Қибрай, Куйичирчик, Бўка туманлари вилоятда биринчи бўлиб шартнома режасини урдаладилар. Бу туманларда ҳосилдорлик ўртача 45 центнердан юқори бўлди. Қувонарли жиҳати, юқоридан номлари қайд этилган туманларда

уруғлик тайёрлаш режаси ҳам барвақт адо этилди. Фаллачиликда неча йиллардан бери карвонбошликни қўлдан бермай келган, бу борада етук тажрибага эга бўлган ширкат ҳўжаликлари ҳам вилоятимизнинг умумий фалла хирмонига баракали улуш кўшдилар. Шу ўринда,

Куйичирчик туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги», Қибрай туманидаги «Маданият», Янгийўл туманидаги «Нибёбош», Юқоричирчик туманидаги «Гулистон», Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон», Зангиота туманидаги Акмал Икромов номи ва бошқа ўнлаб ширкат ҳўжаликлари номи-

ни алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ва шу каби ҳўжаликлардаги аксарият пудратчилар ҳар гектар ердан 65-70 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Кези келганда таъкидлаш жоиз, эришилган муваффақиятнинг бош омилли муҳнатга бўлган янги

Мустақилликнинг 14 йиллиги

ФАҲРИМ ЎЗИНГ, ҒУРУРИМ ЎЗИНГ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНИНИНГ ДОВРУҒИ
Жонсад ТУРДИЕВ, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти Калмоққир кон бoшқармасининг экскаватор машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони.

— Мамлакатимизнинг миллий мустақиллик кўни — 1 сентябрни тантанали нишонлаш ҳар йилги муқаддас аниъанга айланди. Мустақиллик байрами кунлари нима-ларга эришяётганимиз ва мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида олдимизда яна қандай вазифалар турганлигини сарҳисоб қилиб олувчи ўзинга хос дон бўлиб қолди. Бу йил ҳам биз бу кутлуғ, азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш

учун барча имкониятларни сарфарб этмоқдамиз. Бизнинг довуқли кон-металлургия комбинатимиз мустақиллик йилларида қайтадан «туғилиб», овқат туриб, бугун ўзининг бутун қади-бастини яққол ва ёрқин навоён эта бошлади десам, асло янглишмайман. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги тағ холатларни бартараф этишга мамлакатимиз ўзида имконият, ҳалқимиз эса куч-қудрат топа билди. Бугун Олмалик тамғаси туширилган махсуслотлар олис-яқин хориж бозорларида ҳам ниҳоятда хашордоригор. Корхонамиз йил сайин махсуслот турини кўпайтириб, унинг сифатини яқши-лашга эришмоқда. Янгиликка интилиш, янги тежамли ускуналарни ва истиқболли технологияларни кенг қўламда жорий этиш корхонани дадил ривожлантириш йўлига олиб чиқиш имконини берди. Корхонамизда замонавий илмий-

муҳандислик өчимларига асосланган кенг қўламли дастур ишлаб чиқибли, қатъият билан амалга оширишга киришилди. Натижада ўтган йили 388 миллиард сўмлик рангли металл махсуслотлари ишлаб чиқаришга эришдик. Хар йили ўнлаб миллион куб-метр тоғ жинслари қазилди, улардан 12 хил кимёвий элементлар ажратиб олинмоқда. Корхонамиз ишлаб чиқараётган олтин, мис, қўроғошин, рух, теллур ва бошқа металллар ўз сифати жиҳатидан ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган махсуслотлар билан рақобатлаша бошлади.

Хар бир корхона жамоаси ўз истиқболини хом ашё, энергетика ва бошқа ресурсларис тасаввур қила олмайди. Кон-металлургия комбинатимизда ҳам ер ости маъданлари захираларини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хом ашё базаси мутта-

сил кенгайтириб борилмоқда. Бугун корхонамиз Калмоққир мис рудаси ва Сари Ҷўққи кони маъданларидан оқилона фойдаланаётир. Фақат бизнинг хон бошқармамиз хар йили режага қўшимча 430-450 минг тоннага етказиб мис рудаси тайёрлаётир.

Айни пайтда олимларимиз корхонамиз келгусида ҳам бир маромада ишлаши учун ресурсларини тинмай ўрганаётирлар. Узоқдаги янги кон захираси муқаммал ўрганиб чиқилди. У хозирги фойдаланилаётган маъдан захиралари ишлаб чиқарилишидан сўнг — чорак асрдан кейингина ишлатилиши мўлжалланмоқда. Янги коннинг маъдан захиралари комбинатимиз 70-80 йилгача барқарор ишлаб туриши учун етарли эканлиги аниқланди.

Бизнинг Калмоққир конимизда хар йили 26 миллион тоннага етказиб маъдан қазиб олинаётир. Кейинги

йилларда кон ишларида янги қудратли экскаваторлар, бурғулаш ускуналари, кучли автоматизациялар пайдо бўлди. Асосий кончилик техника востисаларини янгилаш ишлаб чиқариш қувватини кескин оширди. Бу йил шунинг эвазига маъдан қазиб олиш ва саралаш-эритиш корхоналарига етказиб бериш ҳажминини 27 миллион тоннага етказишни мўлжалламоқдамиз.

Корхонамизда кончилар ва металлургияларнинг бир неча авлодлари етишиб чиқди. Бугун Эрназаровлар, Муродовлар, Бойматовлар сулолаларининг учинчи авлоди корхонада меҳнат қилаётир.

Мустақиллик йилларида Олмалик кон-металлургия комбинатини техник жиҳатдан қуролантиришининг жуда катта ва қўламли дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишга 1998 йилда киришилди.

(Давоми 2-бетда).



«Ўзметкомбинат» мартен цехининг пулат эритувчилари (чапдан) П. Примяк, А. Сандқулов, А. Раҳимов.



ОКМК лойиҳалаш бўлимида.

МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

СОЛИҚЧИЛАРГА ТУҲФА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг янги давлош-соғломлаштириш мажмуи ишга тушди.

Унинг очилишида сўзга чиққан давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шoirи А.Орипов ва бошқалар мазкур муассаса солиқчиларнинг севишли масканига айланганини таъкидладилар.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ бунёд этилган ушбу масканда кунига икки юз кишига хизмат кўрсатадиган поликлиника, кундузи стационар, клиник-биокимёвий таҳлил лабораторияси, спорт майдонлари мавжуд. У замонавий усуналар билан жиҳозланган.

МАҚСАДЛИ ДАСТУР ДОИРАСИДА

Тошкентда «Иссиқ иқлим шароитида аҳоли турмуш тарзи ва соғлиғи» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир «Экосан» экология ва саломатлик халқро таъкидлаш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Саломатлик институти томонидан Сихат-саломатлик йилига бағишланган «Экосан. Соғлом муҳит — соғлом турмуш асоси» мақсадли дастур доирасида ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат тужуриятлари, илмий муассасалар вакиллари, шифокорлар, экологлар, овқатланиш соҳаси мутахассислари, маҳалла қўмиталари раислари иштирок этди.

Анжуманда климат ўзгаришининг инсон саломатлигига таъсири муаммолари, тўғри турмуш тарзини юритиш, тўғри овқатланиш масалалари муҳокама этилди.

НАВБАТДАГИ СЪЕЗД

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар қатнашди.

Анжуманда партия ташкилотларининг ўтган даврдаги фаолияти, амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Съездда партия марказий кенгаши раиси А.Рустамов маъруза қилди.

Юртимиз мустақиллигини янада мустахкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда партия фаоллари ҳам ўз хиссасини қўшаётди.

ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ


Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки стадионида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари-2005» фестивали бўлиб ўтди.

Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивалда бу гал ҳам Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари битирувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг бундай битирув кечалари мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳарлари ва туманларида давом этмоқда.

Мустақилликнинг

14 йиллиги



«Ўзметкомбинат» пўлат соққалар ишлаб чиқариш цехи.



ФАХРИМ ЎЗИНГ, ҒУРУРИМ ЎЗИНГ

Умуман, 2007 йилгача мукамал бажарилиши кўзда тутилган бу дастур бўйича 613 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ сарфланиши кўзда тутилган эди. Бу дастурнинг амалга оширилиши натижасида конларда маъдан казиб олиш ҳажми 37 миллион тоннага етди. Фақат биргина шу рақамнинг ўзи ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик ривож топаётгани ҳусидида тўла тасаввур беради деб ўйлайман. Мен бу ўринда дастурнинг амалга оширилиши туфайли соф мис чиқариш 134 минг тоннага етказилишини назарда тутаятирман. Умуман, бошқа маҳсулот турлари кескин қўлайди. Экспорт учун маҳсулот ҳажми ортиб, 1998 йилги 169,42 миллион АҚШ доллари даражасидан 2007 йилга борғач, 300 миллион АҚШ доллари миқдорига етиши кўзда тутилмоқда. Кўришиб турибдики, мавжуд хом ашёдан оқилона фойдаланиб, биз рақобатбардор металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин оширашимиз.

тежамли, сифатли, самарали ишлашни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйиб, йил сайин улкан муваффақиятларга эришмоқдамиз. Комбинат раҳбарияти, юксак малакали инженер-техник ходимларнинг тинмай ишлаб чиқариши, ташаббускорлиги туфайли мамлакатимиз қурилиш индустрияси учун ниҳоятда зарур бўлган юқори сифатли, металл прокати ишлаб чиқариши йил сайин кўпайтириб бормоқдамиз. Шунинг айтиш қиёқая, ўтган йили корхонамизда 588,2 минг тонна аъло навли пўлат қўйилди. Янги маҳсулот ҳажмини бир йилда 24,8 фоиз оширишга муваффақ бўлдик. Мамлакат эҳтиёжи ва экспорт учун 550 минг тоннадан зиёд тайёр прокат етказиб бердик. Жами товар маҳсулотининг қиймати 203 миллиард 606 миллион сўмга етиб борди. Корхонамизнинг ишлаб чиқариш мажмуаларини техник жиҳатдан қайта қуролантириш, металл маҳсулотлари сифатини яхшилаш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш туфайли биз барқарор ривожланиш йўлига ўтиб олдик.

Хар кун қурилишларга жўна тилаётган маҳсулотларимиз, савдо корхоналарга етказиб берилаётган кенг истеъмол буюмлари бизнинг мамлакатимиз иқтисодий раванкига қўшаётган ҳиссамиз.

Ўзбекистон металлургия мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллигини корхонамиз металлургия ишлаб чиқариши тўлиқ йўлга қўйиш билан кутиб олишмоқда. Ҳозирда молибден ва вольфрам ишлаб чиқариш ҳажми торабора ортиб бораётди. Айни пайтда ёрдамчи цехлар ҳам тўла қувват билан ишлашга ўтказилаётди. Феррованадий ва ферротитан ишлаб чиқариш бўйича тажриба-саноат технологиясини ишлаб чиқиш юзасидан илмий ишлар бошлаб юборилди.

ТЕЖАМКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Абдураҳмон АБДУРАЗЗОҚОВ, «Ўзметкомбинат» пўлат эритиш цехининг оператори, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Мустақиллик йилларида хориждан олинмаган импорт маҳсулотлари ўрнини қўлайдиган, кон-металлургия санoати учун ниҳоятда зарур зўдирлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Унинг турини кўпайтириб, сифатини яхшилаб бориш бу маҳсулот жаҳон бозорида ўз ўрнини топи олишига имкон яратаяпти.

Милибден ишлаб чиқариш заводида металлургия ишлов цехларида металлургия ишлов бериш тизимини ишга тушириш имконини яратди. Натижада маҳсулот тури, экспорт

Халқ, Ўзбекистон металлургия мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллигини муносиб кутиб ололқадлар. Бугун кўнларда, саралаш ва эритиш корхоналарида, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилаётган корхоналарда бўлсангиз, одамлар умумли, баракали, сифатли меҳнат қилишаётганлигини гувоҳи бўласиз. Хар бир металлургия, қаерда, қандай вазифани бажараётган бўлмасин, ўзининг бутун иқтисодини, салоҳиятини, малакасини ишлаб чиқариш суръатини кўтаришга сарфламоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жўрабек МУРОДОВ. Гулнора ЖАЛИЛОВА.

МАРРА ЗАБТ ЭТИЛДИ



ерга бўлган ихлос ва муносабатини тубдан ўзгартирди, ерга, мўлққа бўлган эғлиқ хиссини қучайтирди. Бозор иқтисодий таъминоти тамойилларига мувофиқ, деҳқон ўзи етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланаётган. Демак, етиштирилаётган ҳосил қанчалик салмоқли ва баракали бўлса, деҳқон манфаати ҳам шу қадар юксалади.

лан ишловчи «Кейс» компаниялари техник соз ҳолда сафарбар этилди. Жойларда ташкил этилган техник таъмирлов гуруҳлари ўрим агрегатларининг бетўхтон ва юқори самара билан ишлашини таъминлади.

ДЎСТЛИК, БИРДАМЛИК, ҲАМКОРЛИК ТАРОНАСИ

Не бахти, азалдан илму маърифат бешиги бўлиб келган жаннатмакон юртимиз айни пайтда ҳам юксак маданият, маънавият, санъат марказлари қаторида эътироф этилаётган. Чунки, мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилиши кўзланаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг қисқа вақт ичида бу қадар нуфуз ва салоҳият касб этгани, унда кашф этилган юлдузлар жаҳон мусика оламида порлаётгани, анжуманда иштирок этиш истагида бўлган санъаткорлар ва бу ҳақда муножабат таътирлар сонининг тобора ортиб бораётгани, энг муҳими, «Шарқ тароналари» голиблари халқаро миқёсда сўзсиз тан олинаётгани қувонарлиқдир.

Муносабат

Ҳамма замонларда ҳам маърифат жаҳолатдан угун келган. Энг оғир дамларда, таҳликали палларда сўз, мусика, оҳанг, адабиёт, санъат башариятни жар ёқасидан қайтарган, юракларда умид, эзгулик ва нафосат ёлқинларини алангалатган. Бу беназир тушунчалар миллати, ирки, дини, тили бошқа-бошқа бўлган, мўлққа бўлак кутб одамларини дўстлик, бирдамлик, садоқат, меҳр, вафо, муҳаббат каби соф фазилатлар тергасида бириктирганга кўнра тарихда мисоллар бисёр.



Мехнат билан банд бўлганларнинг иш ҳақларининг ҳар беш, ўн кунда мунтазам бериб борилгани меҳнатқашларнинг манфаатдорлиқ ҳиссини оширди. Уларнинг навбатма-навбат дам олишлари, хордик чиқаришлари учун ҳам вақти-вақти билан қўлайликлар яратилди. Оператор ва транспорт воситалари ҳайдовчиларини уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлашда тегишли ширкат ва фермер хўжалиқлари мутаассадилари барча шароитларни ҳозирладилар. Буларнинг барчаси мавсумни кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтишини таъминлади.

Айни пайтда режа маррасини забт этган вилоятимиз ғаллазорларида ўрим ишлари асло сусайгани йўқ. Боиси, ҳали қарийб 40 фоиз майдонда ҳосил бор. Лағзи ҳалол миришкорларимиз улкан меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни нест-небуд қилмай етиштириб олиб, вилоятимиз хирмонини янада юксалтиришлари шубҳасиз.

«Шарқ тароналари»ни шунчаки мусика фестивали дейиш ноқонон. Унга айнан бизнинг диёримизда асос солинган, ўтказилиш жойи сифатида ер қуррасининг сайқали дая таърифланадиган кўнра ва навқирон Самарқанд шаҳридаги Регистон ёдгорлик мажмуасининг танлангани ҳам мўлққа бежиз эмас. Авваламбор, юртимизнинг фахр-ифтихори хисобланган қадимий шаҳар буюк Шарқ дарвозаси сифатида етти иккида дор таратган. Илму маърифатнинг асл намояндалари, санъат, адабиёт қатори дунёвий илмларнинг пирю қомиллари айнан шу ўлкадан етишиб чиққан, камол топган. Унинг бетакорр обидалари, осори-атиқалари эва эна неча-неча авлодларни ҳаяжонга солиши, ҳайратлантириши шубҳасиз.

Ш. ҒАЙРАТОВ.

худудларо синовдан муваффақиятли ўтган уруғлик танлаш, деҳқоннинг қўшқаноти хисобланмиш техника воситаларини ўз вақтида шай ва соз ҳолатга келтириш, ёқилги-мойлаш ашёлари ҳамда эҳтиёт қисмлар, эқинга озик берувчи маҳаллий ва кимёвий воситалар таъминотини ҳал этиш каби муҳим вазифаларга катта ташкилотчилик билан ёндошилгани ўз самарасини берди.

Гап ўз-ўзидан аграр тармоқнинг янги, истиқболли вакиллари саналмиш фермерлар ҳамда улар эришаётган мислсиз зафарларга бориб тақалмоқда. Эътиборга молик бир жиҳат: бу йилги мавсумда фермер хўжалиқлари янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилдилар ва умумий хирмонга муносив уллуш қўшдилар. Рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, мавсумда 8284 та фермер хўжалиқ-

Етиштирилган ҳосилни юксак ташкилотчилик, катта унум ва суръат билан ўриб-янчиб олиш, саранжомлаб оморларга етказиш ҳам бирламчи, шу билан бирга ўта маъсулиятли вазифадир. Бу борадаги юмушларга ҳам уюшқоқлик билан, кўнгилдаги-дек, бошиданоқ пухта ҳозирлик билан киришилди. Мавсум мобайнида ўримга жами 326 та комбайн, шу жумладан, 173 та юқори суръат ва сифат би-

Тошкент вилояти халқ таълими муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ва барча фуқаролар ДИҚҚАТИГА!

Жорий йилнинг 13 июль куни соат 17.00 дан 20.00 гача республика Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти «Очиқ эшиклар кунин» тадбирини ўткази

Халқ таълими соҳасига тегишли саволларни ушбу эълон чоп этилган кундан 55-50-54, 55-53-62, 54-04-18, 55-52-18 рақамли телефонлар орқали бериш мумкин.

Шаҳсий қабулга келишни истаган фуқаролар мазкур телефонлар орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Қабул Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси биносида 13 июль, соат 17.00 дан бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй. Мустақиллик майдонидан 92-«Отайул» автобусида Низоми номидаги педагогика университети бекетида.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЯНГИ ПОРТАЛНИНГ ТАҚДИМОТИ

Сўнги йилларда республикамизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади...

чекланган жамияти ҳамда Давлат тест маркази ҳамкорлигида яратилган ILM.UZ лойиҳа-порталидир.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори...

Миллий матбуот марказида ушбу порталнинг расмий ишга тушиши муносабати билан тақдирот маросими бўлиб ўтди.

жон Ҳужаев, — ушбу тизим кирилл алифбосида ёзилган адабиётларни, матнларни автоматлашган тартибда лотин алифбосига ўтказиш имконини беради.

Шундай қилиб, хоҳловчилар ушбу лойиҳа имкониятларидан фойдаланмоқчи бўлишса www.ilm.uz порталига ташриф буюришлари мумкин.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРЛИМИЗ

Гиёҳвандлик ва унинг зарарли оқибатлари бутун дунё ахлини ўйга толдираётган муаммо. Унинг олдини олиш учун қатор дастурлар, чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташкил этган «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» деб номланган тадбирда...

Шундан сўнг, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий ва вилоят кенгашлари раислари, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси вакиллари сўзга чиқиб...

Носир БОЙМИРЗАЕВ.

Olamdagar? nimagar?

ЖОЗИБАЛИ-Ю АНТИҚА ЭМАС

РОССИЯлик тадқиқотчилар DeepImpact зондининг Tempel 1 кометаси билан тўқнашувини шундай баҳоладилар.

ЯРИМ ТҮН ЗУЛМАТДА

ГРУЗИЯ пойтахтида сешанбага ўтар кечаси зўл берган электр таъминоти узилишига барҳам берилмоқда.

УЧИНЧИСИ ҲАМОН БЕДАРАК

АФГОНИСТОНда бедарак йўқолган америкалик уч оқардан иккитасининг жасади топилди.

ДЕПУТАТЛИК ИЛИНЖИДА

ФАЛАСТИН мухторияти раҳбарларининг мамлакат миллий бирдамлик ҳукумати сафига кириш ҳақидаги таклифини ХАМАС террорчилик ташкилоти рад этди.

ИНТЕРНЕТСИЗ ЎТГАН ҲАФТА

ПОКИСТОН ҳудудининг катта қисми бир ҳафтадан бери Интернетдан узилиб қолди.

ВАКЦИНА БИЛАН ЭМЛАНСАДА

АНГОЛАда сўнги тўрт йил мобайнида биринчи марта полиомиелит хасталиги хужури бошлангани ҳақида хабар берилди.

САРА ДОНДАН СИФАТЛИ УН


«Оҳангарондон» оқиқ акциядорлик жамиятининг Бекобод филиали айти шундай оқибатда юксак унум ва сифат билан фаолият юритаётган.

— Корхонамиз бу мавсумда 28803 тонна сара дон қабул қилиб олишни режалаштирган, — дейди ишлаб чиқариш-техник лабораторияси мудири Муҳаммад-жон Отабоев.

Дарҳақиқат, корхонада иш унуми ва самарадорлик юқори бўлиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд.

залири, ёнгина қарши воқисалар талаб даражасига келтирилган.

Лабораторияда Анна Тўхтарова, Насиба Ҳамидова, Патинисо Умаралиева каби малакали мутахассислар фаолият юритмоқда.



СУРАТЛАРДА: (юқорида) Турсунбой ва Мамур Салимовлар дон сифатини кўздан кечиришмоқда; лаборатория мудири Анна Тўхтарова ва лаборант Насиба Ҳамидова.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Марказий Офицерлар уйда Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот котиби ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари А. Аҳмедов, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг раиси А. Абдуқаҳоров, Узбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг раиси Ш. Ғуломов ҳамда бир гуруҳ журналистлар иштирок этишди.

Анжуманда Узбекистон Қуролли Кучлари тизиминда ишловчи жараёнида оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган муҳим вазифалар, шунингдек, телевидение, радио ва даврий нашрларда ҳарбий, ижтимоий-ватанпарварлик мавзуларини кенг ёритиш масалалари бўйича атрафчилик фикр алмашилди.

Дилшод ТОШЕВ.

Ангрн шаҳридаги маиший кўрсатиш уйи хусусийлаштирилдиган бўлди. Ундан фойдаланувчи Облик, Гулбоғ, Рафур Фулом маҳаллалари аҳолиси бундай хушхабардан қувончлари осмонга етди.

Афсуски, муассаса хусусийлаштирилгандан сўнг ҳудудда маиший кўрсатиш соҳаси ривожланиш ўрнига шаҳобча эшиклар кулфланди, ишчилар ҳар томонга тарқаб кетди, аҳоли эса сарсон-саргардонликда қолди.

Вилоятдаги бошқа шаҳар ва туманларда бу борадаги аҳвол қандайлигини ўрганиш мақсадида вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан жойлардаги вазият тўлиқ ўрганилди.

Кайд этилишича, бугунги кунда 4 минг 114 та маиший кўрсатиш субъект-

БУ ҲАҚДА КИМ ҚАЙҒУРАДИ?

лари 14 та соҳа бўйича аҳолига кўрсатиш қилмоқда. Демак, ҳар 601 кишига 1 та маиший кўрсатиш объектлари таъмирлаш ҳамда металл маҳсулот-

Истеъмолчи ва маиший хизмат

Кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш хизмати ҳам талаб даражасида эмас. Оҳангарон шаҳри, Бука, Оҳангарон, Окқўрғон, Пскент, Тошкент, Юқоричирчиқ, Куйчириқ туманларида бундай хизмат тури ташкил этилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Шу ўринда таъкидлаш керакики, соҳани ривожлантириш учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш та-

Чаккига дакки ҚОНУНГА ЗИД ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ангрнлик А. Мингбоев ноқонуний равишда кўмир савдоси билан шуғулланиб, фойда кўрмоқчи бўлди. Бунда шаҳардаги Чинобод маҳалласида яшовчи баъзи фуқароларнинг темир йўл орқали ўтаётган вагонлардан кўмир ўйирлаб сотишлари қўл келарди.

«Ишбилармон» Мингбоев «Савдо маркази — Ангрн» масъулияти чекланган жамият раҳбари А. Ҳамроев билан тил бириктиришдан ва сохта юк хати ҳамда тўлов квитанциясини расмийлаштириб 8 тонна кўмир маҳсулотини «КамАЗ-5520» русумли давлат рақами 11 Д 7573 бўлган автомашинада Тошкент туманидаги «Хасанбой» ширкат ҳужалигига сотиш ниятида йўлга чиққанларида кўмир ортган машина Ангрн йўл-патрули хизмати масканида тўхтади.

Холат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилгач, бўлим томонидан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноий иш қўзғатилиб (2005 йил 21 май) Ангрн шаҳар прокуратурасига жўнатилади.

Шаҳардаги А. Йўлдошев кўчасида истикомат қилувчи Мамажон Тошматов ўз уйида ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган 4 тонна 700 килограмм «Аммиак селитра»нинг 5 копи (250 килограмм)ни 50 минг

Чаккига дакки

сўмдан сотаётганлиги аниқланди. Суриштирув давомида ушбу маҳсулотлар шаҳардаги Боғи-сурх кўчаси 37-уйда яшовчи Мамур Тошматовга тегишли бўлганлиги исботланди.

Мамур Тошматов ноқонуний ҳаракатлари учун Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 171-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноийни содир этганликда айбонлиб, иш қўзғатилган.

Шунингдек, Янги Ангрн ҳамда Ангрн ИЭСларида ўтказилган текширувда кўшимча ҳисобланган соғлиқ ва молиявий жарималардан жорий йилнинг апрель ойида 180660 минг сўми ундирилган.

К. ОТАҚУЛОВ, Ангрн шаҳар прокуратураси бўлими бошлиғи.

К. ОТАҚУЛОВ, Ангрн шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими бошлиғи.

СООБЩЕНИЕ о существенных фактах ОАО СП ХК «Файз»

Table with 4 columns: Name of shareholder, For, Against, Withheld. It contains financial reports and meeting minutes for OJSC 'Fayz'.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон Фанлар академиса Сейсмология институтига зилзилаларни мониторинг ва баҳорат қилишнинг замонавий услублари, уларнинг асосларини камайтириш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли ташкилот ва идоралар, таълим муассасалари вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз сейсмик жиҳатдан фол минтақада жойлашган. Шу боис зилзилаларни олдиндан баҳорат қилиш ва асоратини камайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

СИНГАПУРГА ЙЎЛЛАНМА

Халқаро бизнес марказида WCG ташкилий қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ҳамкорлигида компьютер ўйинлари бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтди.

WCG компьютер ўйинларининг саралаш босқичи жорий йилнинг майдадан июль ойига қадар ўтказилган. Саралаш босқичида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан тўрт хил ўйин бўйича жами уч мингдан ортиқ иштирокчилар ўзаро беллашди. Уларнинг 64 нафари финал босқичига етиб келди.

Уйинларда саккиз нафар голиб аниқланди. Улар шу йилнинг сентябрь ойида Сингапурда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

«Туркистон-пресс».

Китоб жавонигизга

Бугунги куннинг қадрига етиш учун ўтмишимизни муқаммал билишимиз керак. Билганида ҳам бутун ҳаётини жавонигизга бағишлаган, озу-умидларини англо-америкалик муҳимир. Шу жиҳатдан қараганда, А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриётининг филология фанлари доктори, Тошкент вилоят Давлат педагогика институти профессори Исоимиддин Ерматовнинг «Илоқ тарихи» номили монографиясини кўп нусхада чоп этилиши тахсинга лойиқ.

ИЛОҚ ТАРИХИ

Ўтмиш бугун учун пойдевор ҳисобланади. Ўзбек халқи тарихан буюк. Бизнинг авлодларимиз илми 1000 йил аввал Мамун академияси, Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги академияси (олимплар уюшмасида) урганганлар. Уларнинг умумшарий қадриятлари — математикага, табobatга, экология ва тиббиётга қўшган буюк ҳиссаларини айтиш мумкин. Дунёдаги олим ва фозилларнинг учдан икки қисмини, саркардаларнинг асосий қисмини етиштириб берган бу халқнинг ўтмиши буюк бўлган, шунингдек, келажик ҳам буюк бўлиши шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан Исоимиддин Ерматовнинг «Илоқ тарихи» монографияси фанга қўшилган катта ҳиссидир.

Авалло, олим юртимизнинг кичик бир бўлаги бўлган Илоқ ҳудуди ҳақида тўхталиб ўтган. Илоқнинг тарихида Анған шаҳри, Оҳангарон, Пскент, Уртачирчиқ, Окқўрғон туманлари кирди. Бунда китобларда айтилганидек, 500 минг киши эмас, балки салкам 1 миллионга яқин киши яшайди.

Муаллим ўзи ашайидиган воҳани муқаммал ва хар томонлама урганган. Асаринг қўямати шундаки, олим кўрган, эшитган ва сўхбатлашган одамлардан ташқари шу соҳада ишлаган олимларнинг фикрларига ҳам ўзининг танқидий муносабатини билдирган. Мен шу юртининг фарзанди сифатида шуни рўй-роҳ айтманки, бу иш бутун халқимизнинг тарихини ўрганишда, яна ўтмишимизни билишда доимо дастуриламал бўлиб қолаверад.

Бу сўз билан айтганда, профессор И. Ерматов жуда савоиб ишга қўл урган, муаллифининг бу ишни изчил давом эттиришига ютуқлар тўлайман.

Давир ТЎХТАЕВ, вилоят Давлат педагогика институтининг кафедра мудири, профессор.

Учтала туманидаги 54-катталар таълим маркази томонидан 2005 йилда Ибрагимова Лобар Ходжақабаровна номига берилган O'R-SH 0192181 (per. № 170) рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

6-сонли ўрта хунар техника билим юрти томонидан 1993 йилда Марқабла Улугбек Курбанбаевич номига берилган 15950 (Per. № 2530) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Сувос» трести давлат унитар корхонасининг ичмилги суви ва оқова суви химияси учун берилган 009611 н дн 009620 рақамига бўлган тўлов ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БИРИНЧИ ДОВОН ОРТДА ҚОЛДИ

Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионатида иштирок этаётган олий лига жамоалари биринчи давранинг сўнги тур учрашувларини ўтказдилар. Утган 7 учрашунинг иккитасида меҳмонлар зафар кўчдилар. Беш учрашунда мойдон эгалари галаба қозондилар.

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Металлург» ўз майдонида «Бухоро»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида галаба қозонди ва ошқолари сонини 11 тага етказди. Мамлакат чемпиони «Пахтакор» ҳам ўз майдонида «Навбахор»ни 2:0 ҳисобида енгди. «Шуртан» — «Машъал» учрашувида меҳмонлар майдон эгалари дарвозасига бешта жабувониз тўп киритишга эришиб, йирик галабани қайта этдилар. «Суддубна» — «Тупалан» учрашуви эса 1:0 ҳисобида якунланди. Чемпионатда пешқадамлик қилаётган «Насаф» жамоаси «Локомотив»га қарши баҳс юртида ва 2:1 ҳисобида галабага эришди. Қаршиликлар ошқолари сонини 32 тага

етказиб, ҳамон чемпионатда пешқадамлик қилмоқдалар. Турнир жадвалида «Пахтакор» 28 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Муборакнинг «Машъал» жамоаси эса 25 очко тўплаб, учинчи ўринни банд этган. «Металлург» эса 11 очко билан 13-ўринда бормоқда.

«Пахтакор» билан «Металлург»нинг кечкиртирилган учрашуви кеча «Пахтакор» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди. Меҳмонлар 5:2 ҳисобида зафар кўчдилар.

Олий лига жамоалари биринчи довондан ўтдилар. 5 августга чемпионатда таънаффус эълон қилинди.

Талъат ЮСУПОВ.



Вилоятимиздан кўплаб истеъдодли футболчилар, маҳоратли чарм тўп усталари етишиб чиққан. Ана шундай келажик порлоқ спортчилардан бири Италиянинг «Реджина» клубида тўп сурётган Ангрелик Илс Зейтуллаевдир.

Ангрелик футбол мактаб-интернати фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу даргоҳда бир қатор иқтидорли ўйинчиларнинг камол топганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Миллий терма жамоаси аъзолари саналими Александр Гейрих, Шавак Райимқуллов ва Ислом Иномовлар айнан шу ерда миллионлар ўйини сир-асорларидан воқиф бўлишган. Бирок улар орасида Илс Зейтуллаев алоҳида ажралиб туради. Унинг тўп билан муомала қилиши, майдонда ўзини эркин тутиши ва аниқ зарба бера олиш қобилиятини кўрган мураббийлар ўшандак Илсдан ажойиб футболчи етишиб чиқишини сезишган.

Илс 1984 йилнинг 13 август кунин Бикер ва Лютия Зейтуллаевлар оиласида дунёга келди. Уша пайтда унинг отаси Ангрелик «Шахтёр» жамоасида мураббий эди. Шу боис у ўлини доимо стадионга етаклаб бо-

ИФОКОРЛАР БЕЛЛАШДИ

Қирғай туманидаги «Умид гулшани» сўхотқоҳида Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ҳодимларининг қасоба уюшма кенгаши ташкилотчилигида соҳа вакиллари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Тиббиётчилар спортнинг тўрт тури — шахмат, шашка, волейбол ва стол тенниси бўйича беллашиб, бор маҳоратларини намойиш этдилар. Якуний натижалар эса куйидагича: шахмат бўйича — 3-ўрин Ангрэн, 2-ўрин Окқўрғон ва Чиноз, 1-ўрин Ангрэн ва Паркент жамоаларига, шашка — 3-ўрин Юкорииччиқ ва Паркент, 2-ўрин Оҳангарон ва Уртачирчиқ, 1-ўрин Окқўрғон ва Бекобод жамоаларига, волей-

бол — 3-ўрин Паркент, 2-ўрин Окқўрғон, 1-ўрин Ангрэн ва Паркент, 2-ўрин Ангрэн ва Зангиота, 1-ўрин Ангрэн ва Бўстонлик жамоаларига насиб этди.

Тадбир сўнггида голиблар диплом ва эсдалиқ совғалари билан тақдирландилар.

Гулбахор САТТОВАВА.



Вилоятимиз спорт юлдузлари

ЗЕЙТУЛЛАЕВ МИЛЛИОНЛАР НИГОҲИДА

киланмай 16 ёшли ҳамюртимизга шартнома тақлиф этишди. Узини жаҳоннинг энг кучли лигаларидан бирида синаб кўришга ошмаётган ярим ҳимоячи эса пухта ўйлаб кўрган, Италиянинг 28 карра чемпиони азвосига айланган розилик берди. Зейтуллаевнинг «Ювентус» сафига ўтиши футболнинг тарихида эътиборга молик воқеалардан бири бўлди. Мамлакатимиз ва хоризинг етакчи оммавий ахборот воситалари бу трансферни атрафила ёритишди, футболчи ҳақида мақолалар тайёрлашди. Кўпчилик спортчилар ана шундай қайида машҳурликдан ўзларини йўқотиб қўйишди ёки «юлдузлик касалиги» чалинишди. Илс эса бундай миш-мишларга ортиқча эътибор бермади. У машҳурларда тиймай меҳнат қилар, маҳоратини ошириш илжидида туну кун ўз устида ишларди.

Зейтуллаевнинг самарали изланишлари тезда ўз мевасини бера болади. У қисқа фурсат ичида ўринбосарлар сафини тарк этиб, асосий таркибга кириб олди. 2003 йилда мамлакат кубогинида «Самдория»га қарши кенга баҳсда у илк марта катта майдонда кўриниш берди. Ангрелик Йигит жаҳон футболининг ёркин юлдузлари орасида ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча,

ИФОКОРЛАР БЕЛЛАШДИ

рақиб дарвозаси ёнида хавфли вазиятларни юзага келтириб, муҳлислар ҳурматини қозонди.

2003 йил Илс фаолиятида ўчмас из қолдири. У Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафига Бирлашган Араб Амирликлари майдонларида бўлиб ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашди. Рақибни шошириб қўйишга алдамчи характерлар, тўп учун охиригача қурашш ва жамоадорларини ортидан эргаштира олиш — Зейтуллаев жаҳон чемпионатидаги намунали ўйинлари орқали футболчи учун зарур бўлган ана шундай хусусиятларни ўзлаштириб олганини намойиш этди.

Жорий йилнинг бошларига келиб эса, халқаро майдонда янада каттароқ зафарларга эришишни мақсад қилган Зейтуллаев «Ювентус»ни тарк этиб, «Реджина» жамоаси либосини кийди. Ниҳоят, 19 марта кунин ўзбек футбол тарихида мисли кўрилмаган воқеа содир бўлди — Илс жаҳоннинг энг кучли миллий чемпионатларидан саналган Италия «А» серияси баҳсларида майдонга тушди!

— Улгимнинг ана шундай юксак натижасига эришганини кўриб, беихтиёр кўзимдан ёш қалди, — дейди Илснинг отаси Бикер Зейтуллаев. — У табиятан кампаг ва камтарин бўлсада,

майдонда ҳеч кимдан ҳайқимайди. Илс ёшлардан дунёнинг машҳур футболчилари билан елкама-елка баҳс олиб боришни оруз қиларди. Бугун унинг ана шу нияти рўёбга чиқди.

Камтарга камол, деганлари рост гап экан. Бу иборани ҳаётини шioriға айлантдириб олган Зейтуллаев 21 ёшидаёқ хавас қилса эришгиллик натижаларга эришди. У спортчининг фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган машаққатларни енгиб ўтиб, ватандошлар ишончини оқлашдек масъулиятни вазифини шараф билан удралмоқда. Илс ёшларга хос рабар-шикоҳатини ишга солган ҳолда Европа майдонларида юртиш шарафини муносиб ҳимоя этиб келаяпти. Мақолаши қаромини миллий терма жамоасининг ҳам тўлақонли азвоси саналади. У юртимизнинг бош жамоасида ўз ўрни ва макваига эга.

Келажикда юртимиз майдонларида иқтидорли ёшларнинг воғя етишига, уларни дунёнинг таниқли жамоалари ўз сафига қорашига шубҳа йўқ. Илс Зейтуллаев эса «Кўна китъа» сари парвоз этган биринчи қалдирғочлардан бўлиб қолади.

Шерзод ШУҲРАТОВ.

Table with TV schedule for Friday, July 7. Columns include time, channel, and program name. Programs include 'Ассалом, Ўзбекистон!', 'Мунавар тонг', 'Янги авлод', etc.

Table with TV schedule for Saturday, July 8. Columns include time, channel, and program name. Programs include 'Ассалом, Ўзбекистон!', 'Мунавар тонг', 'Янги авлод', etc.

Table with TV schedule for Sunday, July 9. Columns include time, channel, and program name. Programs include 'Ассалом, Ўзбекистон!', 'Мунавар тонг', 'Янги авлод', etc.

Table with TV schedule for Monday, July 10. Columns include time, channel, and program name. Programs include 'Ассалом, Ўзбекистон!', 'Мунавар тонг', 'Янги авлод', etc.

Advertisement for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper. Includes contact information for advertising, circulation (70000), and subscription rates. Also mentions 'Манзилмиз' and 'Ташкент вилояти ҳокимлиги хузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармаси'.